

# Меҳрибонлик уйига ташриф

Жорий йилнинг 18-май куни Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг биринчи ўринбосари Валиев Баҳриддин Баҳадирович расмий ташрифи билан Қорақалпоғистон Республикаси 1-сонли Меҳрибонлик уйида бўлди. Ташриф давомида Бош Прокурор ўринбосари Меҳрибонлик уйи шароити билан яқиндан танишди ва тарбияланувчилар билан яқиндан суҳбат қилди.

Image not found or type unknown



Мазкур ташриф Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари қаторидан тузилган «Тонг ғунчалари» миллий фольклор ва «Қарс» мусиқа ансамблларининг ажойиб концерт дастури билан давом эттирилди.

Тадбир якунида Бош Прокуратура томонидан тарбияланувчиларга олиб келинган совғалар ўз эгаларига топширилди.

Image not found or type unknown



Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҚР идоралараро комиссияси масъул котиби  
Қ.Шамшетов